

Илмий-  
Оммабоп  
Риссолалар




ГАРУХ

952  
PID

Ш. Пидаев

# СИРЛИ КУШОНЛАР САЛТАНАТИ



Ш. ПИДАЕВ

СИРЛИ  
КУШОНЛАР  
САЛТАНАТИ

Масъул мұхаррір —  
УзССР ФА нинг академиги А. А. АСҚАРОВ

ТОШКЕНТ  
УЗБЕҚИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ  
1990

Мазкур рисолада Шарқдаги энг қадимий маданият марказлари-дан бири, Урта Осиё халқларининг тераң ўтмишини ҳикоя қилувчи ўлка — Бактрия тарихининг баъзи масалалари ҳақида сўз боради.

Археологлар томонидан топилган ғоят муҳим ашёвий далиллар бу мамлакатнинг дунё цивилизациясида катта роль ўйнаган сиёсий-иқтисодий ва маданий томондан ўта ривожланган, қадим-қадимдан ўз маданияти, урф-одати шаклланган тарихий давлат эканлигидан далолат беради.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

УзССР ФА мухбир аъзоси У. И. ИСЛОМОВ  
тарих фанлари номзоди А. К. ҚАБИРОВ

П—050400000—262  
М 355(04)—90 193—90

©Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1990 й.  
ISBN 5—648—00644—6

## ҚИРИШ

Бактрия ўлкасининг тарихи фақатгина бир мамлакат ёки халқининг тарихи бўлмай, балки дунё тарихининг ажралмас бир қисмидир. Унинг маданияти жаҳон маданиятининг шаклланишига катта ҳисса қўшиб, инсоният тарихида ўчмас из қолдирди.

Бактрия вилояти ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий районлари, Туркманистоннинг жануби-шарқий қисмини ва Афғонистоннинг шимолий районларини ўз ичига олиб, у шимолда қадимги Суғдиёна, жанубда ва жануби-шарқда Арахосиа ва Панхара, ғарбда эса Марғиёна вилоятлари билан чегарадош бўлган. Илмий адабиётларда Бактриянинг Ўрта Осиё республикалари территориясига кирган қисмига «Шимолий Бактрия», Афғонистонга қарашли қисмига нисбатан эса «Жанубий Бактрия» иборасини ишлатиш қабул қилинган. Бактрия эронча сўз бўлиб, бохтар замин, яъни шарқдаги ўлка маъносини билдиради.

Бактрия ўзининг қулай географик ўрни ва табиий шаронти билан қадимдан одамларни ўзига жалб қилиб келган. Текширишлар илк бор бу ўлкада одамлар қадимги тош даврида яшаганликларини кўрсатмоқда. Ҳозир бу ерда кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларига оид ёдгорликларнинг борлиги аниқланди. Тош даврига оид Тешиктош, Мачой, бронза даврига тааллуқли Сополлитепа, Мулали, Кучуктепанинг пастки қатламлари; қадимги Бактрия даврига мансуб Қизилтепа, Таллашконтепа; антик даврга оид Холчаён, қадимги Термизнинг пастки қатламлари, Айртом, Далварзинтепа, Қоратепа, Файзтепа ва илк ўрта асрларнинг Болаликтепа, Куёвқўрғон каби ёдгорликлари шулар жумласидандир. Бу ёдгорликларда археологик қазиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Афсуски, бутадқиқотларнинг натижаларини мукаммал баён қилишга мазкур рисоланинг ҳажми имкон бермайди. Шунинг учун ушбу рисолада милоднинг бошларидан то милоднинг IV асригача бўлган Бактрия маданияти ва тарихининг баъзи масалалари тўғрисида сўз юритилади.

## ИЛК ҚУШОНЛАР ВАТАНИДА

*Анъана — бу ўтмисшадаги тараққиёт-дир.*

*Келажакда эса тараққиёт анъанага айланади.*

ЭРРИО

Күшонлар даври Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон халқлари тарихидагина әмас, балки бутун дунё маданиятининг тараққиётидаги алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда этник маданияти, тили ва динлари ҳар хил бўлган халқларнинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Турли халқлар маданиятининг ҷатишиши натижасида бу ерда ўзига хос янги маданият шаклланди ва ривожланди. Ўз навбатида, кейинги асрлар маданиятининг тараққиётига ҳам замин бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга күшонлар даври Марказий ва Ўрта Осиё халқларининг олдинги даврдаги тараққиётига якун ясади. Шундан сўнг Шарқ ва Фарб маданиятларининг ўзаро таъсири янги тарихий босқичга қадам қўйди. Эллин маданиятининг анъаналари күшонлар даврида ижодий жиҳатдан қайта шаклланди ва янгича талқин қилина бошланди.

Хозир күшонлар давридаги Марказий ва Ўрта Осиё халқларининг юқори тараққий этган маданиятидан гувоҳлик берувчи жуда кўп моддий ва маданий далиллар мавжуд. Аммо күшонларнинг келиб чиқиши, салтанатнинг шимолий чегаралари, күшон шоҳларининг ҳукмронлик қилган йилларини, күшонлар давлатининг ижтимоий тузуми, диний эътиқодлари, тили ва ёзуви каби масалаларини ёритувчи ёзма манбалар деярли йўқ. Шу боисдан бу саволларга асосан археологик тадқиқотлардан жавоб топиш мумкин.

Күшон салтанатининг бешиги ва дастлабки пойтахти Бактрия бўлган. Маълумки, милоддан олдинги 140—130 йилларда Юнон-Бактрия шоҳлиги кўчманчи сак қабилаларининг Бактрияга қилган ҳарбий юришлари натижасида қаттиқ ларзага келди. Сак қабиласи шарқда кўчманчи «катта юечжи» қабилаларидан мағлубиятга учрагандан сўнг уларнинг таъқиби остида Бакт-

рия томон сиљиган эдилар. Ўз навбатида, «катта юечжи» қабиласи аввал кўчманчи хунлар қабиласи, сўнгра усунлар билан бўлган жангларда мағлубиятга учрагандан сўнг ғарбга — сак қабиласи яшаб турган ерларга, кейинчалик Бактрия ерларига чекинишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб, «катта юечжи» қабиласи Бактрия тупроғида пайдо бўлиб, Бактрияниң бой шаҳар ва қишлоқлари кўчманчиларининг қалбларидан ҳасад ўтларини ёқди. Кўчманчилар Бактрия шаҳар ва қишлоқларига ўт қўйдилар, маҳаллий аҳолининг бутун бойликтарини таладилар. Бу вақтда Юнон-Бактрия шоҳлиги тинмай давом этаётган ҳарбий тўнтаришлар, сунқасдлар, ўзаро урушлар ва кўчманчи саклар қабиласининг зарби натижасида ичдан дарз кетган эди. Улар бу гал кўчманчиларга қаттиқ қаршилик кўрсата олмай, енгилдилар. Шундай қилиб, юз йилдан кўпроқ ҳукмонлиқ қилган Юнон-Бактрия шоҳлиги кўчманчилар ҳужуми остида қулади. Кўчманчилар эса тахминан юз йилдан кейин Буюк кушонлар салтанатига асос солдилар.


Ёзма манбаларга қараганда «катта юечжи» қабиласи Юнон-Бактрия шоҳлиги устидан ғалаба қозонгандан сўнг Амударёниң ўнг соҳилига (Шимолий Бактрия) жойлашади ва бешта князликка — Хюмии, Шуанми, Хисе, Думи ва Гуйшуванга бўлинади. Кўчманчи қабилалар Бактрияниң бой анъаналари, тараққий этган давлат тузуми ва юқори ривожланган маданиятининг шоҳиди бўлдилар. Бактрияликлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий тузуми билан кўчманчилардан анча юқорида турадар эдилар.

Шунинг учун улар бактрияликлариниг ютуқларини ўзлаштиришга киришдилар. Бу фақатгина кўчманчи қабилаларнинг хоҳишигини бўлмай, балки жамият тараққиёти тақозоси ҳам эди. Биринчи ўринда кўчманчи қабилаларининг ҳокимлари Бактрияда зўр тараққий этган товар-пул муомаласини ҳал қилишга киришдилар. Табиийки, бу ҳол юечжи ҳокимларидан бозорни тўлдириш учун янги тангалар чиқаришни талаб қилар, уларнинг эса бу соҳада тажрибаси йўқ эди. Шунинг учун улар энг оддий усул, яъни мазкур территорияда муомалада юрган Евкратид ва Гелиокл тангаларига тақлид қилиб танга зарб қила бошладилар (1-расм).

Олиб борилаётган археологик тадқиқотларга қараганда, Гелиокл тангаларига тақлид қилиб чиқарилган тангалар бу даврда кўпроқ муомалада бўлган. Тангаларнинг олд томонида номаълум шоҳнинг боши, орқа

томонида юнонлар худоси Зевснинг ҳайкали тасвирланган. Қизиги шундаки, бу хилдаги тангаларнинг асосий қисми ҳозирги Сурхондарё вилоятида топилди. Тожикистон ССРнинг шаҳар ва қишлоқларида мазкур хилдаги тангалар оз, Жанубий Бактрияда эса саноқли.

Шунга кўра бу хилдаги тангалар Сурхондарёда жойлашган бирон-бир шаҳарда, жумладан Далварзинтепа ўрнида бўлган шаҳарда зарб қилинган деб тахмин қилишимизга асос бор. Чунки, тангани фақат бош ҳукмдор зарб қилиши мумкин бўлган. Тахмин қилиншича, бу тангалар кушон — гуйшуан вилоятининг ҳокимлари томонидан зарб қилинган. Бундай деб ҳисоблашга сабаб бор, албатта. Юқорида қайд қилингани-



1-расм. Бактрия тангалари.

дек, муомалада бўлган тангаларнинг орқа томонида юнонлар худоси Зевс тасвирланган. Лекин вақт ўтиши билан Зевснинг тасвири ўрнига танганинг орқа томонига отининг расмини жойлаштирганлар. Маълумки, Урта Осиё халқлари ва, айниқса, кўчманчи қабилалар отин улуглаб, унга сажда қилганлар. От тасвирининг тангага жойлаштирилиши, бу ерда янги давлатнинг пайдо бўлаётганинидан далолат беради. Оғ тасвири бўлган тангалар ҳозирча асосан Сурхондарёда ва, айниқса, Далварзинтепа, Холчаён атрофидан топилмоқда. Демак, пайдо бўлаётган янги давлатнинг пойтахти Сурхондарёда бўлган. Шунга асосланиб, Пугаченкова Г. А. кушон-гуйшуан вилоятининг пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлса керак, деб ҳисоблайди. Янги давлат тараққиётининг иккинчи босқичида тангаларнинг олд томонидаги тасвир ҳам ўзгаради. Унда шоҳнинг ҳайкали тасвирланган (2-расм). Унинг юз қиёфаси Холчаёнда топилган ҳайкалларга ўхшайди. Тангаларнинг орқа томонида отлиқ киши тасвирланган ва юон ҳарфлари

билаи битилган түртта сўз ҳам мавжуд. Биринчи сўз ҳукмрои, иккинчи сўз Герай, учинчи сўз ҳалигача ўқилмаган, тўртиничи сўз кушон деб ўқилади. Шундай қилиб, биринчи гуйшуан-кушон уруғидан бўлган ҳукмроннинг номи бизга маълум бўлди. Лекин, афсуски, ҳалигача Герайнинг қачон ҳукмронлик қилганлиги бизга номаълум. Кўпгина тадқиқотчилар уни милоддан олдинги биринчи асрнинг иккинчи ярмида ҳукмронлик қилган бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Ёзма манбаларда бу тўғрида ҳеч нарса зикр этилмаган. Лекин кушонларнинг Герай ҳукмроилигидан кейинги тақдири ва уларнинг тарих саҳнасига кириб келишлари тўғрисида хи-



2-расм. Таңгаларда тасвирланган шоҳ ҳайкали.

той йилномаларида баъзи бир маълумотлар бор. Йилномада юечжи қабилалари Бактрияни босиб олганларидан кейин тахминан юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, гуйшуан ҳокими Кадфиз қолган тўрт юечжи ҳокимини мағлубиятга учратгани ва ўзини Кушон ҳукмдори деб эълон қиласан. Тахмин қилинишича, Кужула Кадфиз Герайнинг ё ўғли, ёки набираси бўлган. Кужула Кадфиз юечжи қабилаларини ўз кўли остида бирлаштиргандан сўнг, ўша дазрининг кучли салтанатларидан бири ҳисобланган Парфия (Анъси) билан уруш бошлади ва ундан Кобул (Гаофу)ни тортиб олди. Тезда бу ақлли, айёр сиёсатдон ва буюк лашкарбоши Арохосия (Пуду) ва Кашмирни босиб олди ва шундай қилиб, кушонлар салтанатига асос солди. У 80 йил умр кўрган. Афсуски, бу шоҳнинг неchanчи йилларда ҳукмронлик қилганлиги ҳам бизга маълум эмас, қолган ҳукмронлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Кужула Кадфиз вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Вима Кадфиз (Янъгаочжен) ўтириди. У тахминан 30 йилча шоҳлик қиласан даврида отасининг сиёсатини давом эттириб, салтанатга Хиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмларини қўшиб олди. Бу

шоҳ давлатнинг иқтисодий ҳаётини юнада мустаҳкамлаш ниятида салтанатда пул ислоҳотини ўтказди. Ислоҳотга биноан мамлакатда мис тангалардан ташқари олтин тангалар ҳам муомалага киритилди. Олтин тангаларнинг қиймати унинг оғирлигига қараб белгиланган. Мамлакатда қўш динорлар, динор, ярим динор ва чорак динорлар муомалада бўлган. Бир динор 8 грамм олтинга тенг бўлган. Бу даврдаги кушонлар салтанатининг маъмурий тузуми ёзма маибаларда жуда кам ёритилган. Бизнингча, салтанат бир неча сатрапликка бўлинган бўлиб, улар шоҳ томонидан тайинланган волий—сатрап орқали идора қилинган. Одатда сатрап қилиб шоҳнинг ўғиллари ва энг яқин қариндошлари тайинланган. Бактрия ҳам кушонлар салтанати таркибидаги бир сатрап бўлган. Шубҳасиз, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Бактрия сатраплиги салтанат ҳаётида алоҳида роль ўйнаган. Вима Кадфиз замонида кушонлар салтанатининг пойтахти ҳозирги Пешавор яқинида бўлган.

Вима Кадфиз вафотидан кейин унинг ўрнини ўғли Канишка эгаллади. Бу шоҳ ҳукмронлик қилган йилларда кушонлар салтанати ўз тараққиётининг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Кушонлар салтанатига қарашли ерлар кенгайтирилди, ҳозирги Панжоб, Синд, Уттар Прадеш штатларидаги ерлар қўшиб олинди. Шарқда салтанатнинг чегараси Банорасгача етди. Канишка Хитой империяси билан уруш олиб бориб, ундан Шарқий Туркистонни тортиб олди. У Парфия салтанати билан бўлиб ўтган жангларда ҳам бир қатор ғалабаларни қўлга киритди.

Канишка салтанатига қарашли ерларни юнада кенгайтириш билан бирга давлатни ичдан мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берди ва бунинг учун бир неча ислоҳотлар ўтказди. Ўтказилган ислоҳотларнинг энг муҳимларидан бири будда динининг давлат дини деб эълон қилинишидир. Будда динини қабул қилган Канишка бутпастларнинг биринчи ҳомийсига айланди. Унинг даврида жуда кўп будда ибодатхоналари қурилди. Катта аҳамиятга молик бўлган тадбирлардан яна бирин салтанат терриориясида бактр тили ролининг ошиши бўлди. Балки бактр тили давлат тили ҳам бўлгандир. Ҳар қалай Канишка томонидан зарб қилинган тангаларда юон тилида ёзилган сўзлар ўрнига бактр тилида ёзилган сўзларнинг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Канишканинг шоҳлик қилгани йиллари тўғрисида бир қанча тахминлар бор. Ёзма манбаларга қараганда Ка-


нишка 23 йил шоҳлик қилган. Унинг вафотидан кейин таҳтни Хувишқа эгаллайди. Бу шоҳ ҳукмронлик қилган йилларда салтанат сиёсий инқиrozга учрай бошлайди. Хувишқа 30 йилдан ортиқроқ шоҳлик қилган. У ўлгандан кейин таҳтга Васудева I ўтиради. У ҳам 30 йилдан ортиқ шоҳлик қилган.

Қадимги Бактрия вилоятига қарашли территорияда олиб борилаётган археологик тадқиқотларга қараганда, бу ерда кушонлар даврига онд кўплаб шаҳар ва қишлоқларнинг харобалари сақланиб қолган. Лекин археологик қазиш ишлари уларнинг салмоқли қисмидағина кенг миқёсда олиб борилмоқда. Айниқса, Шимолий Бактриядаги Холчаён, Далварзинтепа, Зартепа, Явон, қадимий Термиз ва унинг яқинидаги Қоратепа, Фаёзтепа, Айртомларда ва Жанубий Бактрияда Беграм, Сурхкотал ва Дилбаржинда ўтказилаётган қазиш ишларининг натижалари диққатга сазовордир. Бу қазиш ишлари бактрияликларнинг кушонлар давридаги ижтимоий ҳаёти, иқтисодий ва майший турмуш маданияти, диний тасаввурлари, касблари тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида олиб борилмоқда. Ҳозир археологлар бу соҳани ўрганишда жиддий ютуқларга ҳам эришдилар. Ўтказилган илмий тадқиқотларнинг натижалари тўғрисида сизларга умумий тасаввур бермоқ учун, биз Холчаён, Далварзинтепа, Зартепа, Қоратепа ва Дилбаржинда ўрганиш чоғида олинган маълумотлар билан таништириб ўтамиз. Хусусан, Холчаёндаги қазиш ишларига кўпроқ тўхталамиз. Чунки Холчаён, бир томондан, ҳозир энг яхши ўрганилган ёдгорликлардан бирин ҳисобланади, иккинчи томондан, унда олиб борилаётган тадқиқотлар кушонлар маданиятини ўрганишда янги муҳим даврни очди, унинг шаклланиш йўлларини кўрсатиб берди.

## ШАҲЗОДА САРОИИ

Холчаён Деев районидаги Қалинин номли колхоз территориясида, Сурхондарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бу тепа иккى қисмдан иборат бўлиб, бирининг томонлари  $350 \times 260$  м, иккинчисиники  $300 \times 300$  м га тенг. Қазишмалар давомида бу ерда шаҳар ҳокимининг саройи борлиги аниқланди (3-расм). Мазкур сарой меъморчилик иуқташ назаридан ғоят диққатга сазовордир. Сарой унчалик катта бўлмай ( $35 \times 26$  м), 9 хонадан иборат. У шарққа, кунчиқар томонга қаратиб қурилган. Саройнинг олд томонида узун айғон ҳам бўлиб, у олти-

та устунга таяниб турган. Айсониниг тўртта эшиги бўлиб, улардан учтаси тўртбурчакли асосий қабулхона билан боғланган. Қабулхона томонлари  $6,1 \times 17,6$  м га тенг. Қабулхона гарб деворининг ўртасида тахтли залга кирадиган эшик бор. Бу зал тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, асосий қабулхонадан кичикроқ. Бу залда гарчи уларга эҳтиёж бўлмаса-да, иккита устун бўлган. Бизнингча, мазкур устунлар кираётган одамининг тўрда, тахтда ўтирган ҳоким томон эътиборини янада ошириш мақсадида ўрнатилган бўлса керак. Бу икки залниңг уч томонида узун йўлаксимон хоналар жойлашган. Бу хоналарда соқчилар ва хизматчилар яшаган бўлиши мумкин. Хазина ҳам шу хоналардан бирида сақланган.



3-расм. Шаҳзода саройи.

Саройни қуришда асосан хом гиштдан фойдаланганлар. Саройнинг томи текис бўлиб, лой сувоқли бўлган. Томнинг қирралари антефикс<sup>1</sup>, пальметта<sup>2</sup> ва кунгура-

<sup>1</sup> Антефикс — лотинча aptexum сўзидан олинган. Меъморчилик безакларидан бири, шакли жиҳатидан пальметтага ўшайди.


<sup>2</sup> Пальметта — французча palmette сўзидан олинган бўлиб, ел-

лар билан безатилган. Уларнинг ҳаммаси қадимда қизил бўёқ билан бўялган. Саройнинг устунлари арчадан тайёрланган. Лекин уларнинг тагкурслари оҳакли тошдан ясалган. Профессор Г. А. Пугаченкова фикрича, айвоннинг учала девори полдан то дераза тешиги баландлигигача турли суратлар билан безатилган. Деворларнинг ундан юқори қисмида ҳайкаллар жойлашган. Суратлар бевосита лой сувоқ устига, баъзан эса ганч сувоқ устига чизилган. Рассомлар сурат чизишда қизил, қора, сариқ, ҳаворанг бўёқлардан фойдаланганлар. Чизиши услубига қараганда Холчаён деворларини безатган рассомлар юқори малакали мутахассислар бўлганилар. Афсуски, бу чизилган суратларнинг ҳаммаси бизгача яхши сақланиб қолмаган. Сақланган суратлар ичиде эркакларнинг расмлари, узум ва бошқа мева ҳамда гулларнинг тасвири бор.

Асосий қабул залиниг ва тахтли залниг деворлари ҳам турли мазмундаги суратлар билан безатилган. Лекин улар ҳам жуда ёмон сақланган. Айниқса асосий қабул залиниг жиҳозланиш услуби киши эътиборини ўзига кўпроқ жалб қиласди. Залниг уч девори уч метр баландликкача оқ ганч билан сувалган ва унинг устидан расмлар чизилган. Тўртинчи, қираверишдаги қарама-қарши девор эса фақат ганч сувоқ билан сувалган. Тахмин қилинишича, бу деворга қадимда чиройли гиламлар осилган. Шунинг учун унинг деворларига расмлар чизилмаган. Деворларнинг юқори қисмида икки метр баландликкача ҳайкаллар жойлашган. Ҳайкалларнинг ҳаммаси турли рангдаги бўёқлар билан бўялган. Қираверишдаги қарама-қарши деворда — марказий саҳнада шоҳ, малика ва сарой аҳллари тасвиранган (4-расм). Шоҳ ва малика тахтга ўтирган ҳолатда акс эттирилганлар. Шоҳнинг ўнг қўлида туғро бор. Маълумки, у шарқ халқлари орасида ҳукмронлик аломатини билдиради. Шоҳнинг ҳам, маликанинг ҳам эгнида қимматбаҳо кийимлар. Суратга қараганда, уларнинг ўшлари тахминан 40—45 ларда бўлган. Маликанинг ўнг томонида ўш аёл ва йигит тик турган ҳолда тасвиранган. Қизиги шундаки, йигиттага қараганда аёл маликага яқин турибди. Г. А. Пугаченкова бу ҳолни қўйидагича тушунтиради: «Бу аёл шоҳнинг қизи, унинг ёнида турган йигит эса шоҳнинг куёвидир. Шунинг учун аёл маликага яқинроқ қилиб тасвиранган. Йигитнинг

---

тиғинчимон баргнинг тасвирига ўхшаш архитектура деталига нисбатан ишлатилади.



4-расм. Сарой деворига ишланган ҳайкаллар.

юз тузилиши шоҳнинг юз тузилишига жуда ўхшайди. Демак, уларни бир халқа мансуб бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Шоҳнинг чап томонида жойлашган ҳайкалларнинг, айниқса эркакларнинг юз тузилиши шоҳнинг ва куёвнинг юз тузилишидан анча фарқ қиласди. Уларнинг юз тузилиши кўпроқ парфияликларнинига ўхшайди.

Марказий саҳнада чапда камонли бир неча отлиқ тасвириланган. Отлар бор кучлари билан елдек югуриб кетаётган ҳолда берилган. Бу ерда отлар ва отлиқлар шундай тасвириланганки, гўё улар девор ёқалаб биз томон югуриб келаётгандек туюлади.

Қабул залиниң кираверишидаги қарама-қарши де-ворининг шимолий қисмида юз тузилиши бир-бирига ўхшаш, соч ва мўйловларини тараф услуби бир хил бўлган ҳайкаллар саҳнаси жойлашган. Бу ҳақиқий бактриялик кушонларнинг ҳайкаллари дидир. Тахмин қилинишича, бу ерда ҳоким, унинг ўғиллари ва яқин қавм-қариндошлари тасвириланган. Саҳнаниң бошида отлиқ маъбуданинг ҳайкали жойлашган. У шитоб билан Герайлар уруғи томон интилмоқда. Бу билан ҳайкалтарош—рассом Герай уруғини маъбуда томонидан улуғлашаётганини, ғалаба билан табриклиётганини кўрсатмоқчи бўлган, чамаси. Маълумки, юон тасвирий санъатида фақатгина иккита маъбуда аравада тасвириланади. У ҳам бўлса, уруш маъбудаси Афина ва ғалаба маъбудаси Никадир. Мазкур саҳнада ғалаба маъбудаси Ника тасвириланган. Тадқиқотларга қараганда, будаврда шарқ халқлари орасида ғалаба маъбудасиниң тасвири кенг тарқалган. Жумладан, Парфия шоҳи Митридатнинг тангаларида қанотли Ника аравада кетаётган ҳолда тасвириланган.

Залниң мазкур ҳайкаллар саҳнасидан юқорида, 60 см баландликда турли худоларнинг, хусусан юоннлар маъбудаси Ника, маҳаллий халқларнинг худоси Митранинг ҳайкаллари тасвириланган. Бундан ташқари, бу ерда қўлларида гулчамбар кўтарган яланғоч болаларнинг, созанда қизларнинг, сатирларнинг ва масхабозларнинг ҳайкали бўлган. Ҳайкалларнинг ҳаммаси оқ гажаклар орасида тасвириланган.

Маълумки, Юон-Бактрия шоҳлиги давридаги ҳайкалларга жўшқин ҳаётийлик хос бўлган. Холчаён ҳайкалтарошлари, умуман олганда, Юон-Бактрия давридаги ҳайкалтарошлиқ қондаларига риоя қиласди. Уларнинг асарларида Бактрияниң янги ҳукм-

рон табақасининг эстетик қарашлари, ички дунёси ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу күшонларнинг талаби, эҳтиёжи, қолаверса, замон талаби эди. Холчаён ҳайкалларига сиполик, вазминдорлик хосдир. Уларда инсоннинг ички дунёси чуқур ифодаланган. Масалан, бу ерда топилган жангчи ҳайкалида жангчининг шафқатсизлиги, қаттиқкўллиги унинг юз қиёфасидан яққол сезилиб туради. Шунингдек, Герай ҳайкалида Герай профессорининг мустаҳкамлиги, улуғлиги яққол акс этган. 5-расмда чўзиқ юзли ёш йигитнинг ҳайкали тасвиirlан-



5-расм. Герай уруғларига мансуб ёш йигит ҳайкали.

ган. Унинг қошлари юқорига кўтарилиган, пешонаси кенг, қирра бурунли, катта кўзлари чеккаси томон озгина қийиқлашган, шоп мўйлов, соchlари ва зулфи ўзига хос қилиб қирқиб тараалган. Йигитнинг боши лента билан боғланган. Тасвиirlangan йигит бўй-басти келишган, истараси иссиқ. Унинг сочи ва мўйловининг қирқилиш услуби асосий қабул залида тасвиirlangan шоҳ ва Герай уруғларига мансуб кишиларнинг тасвирига айнан ўхшаш. Бу аломатлар йигитни Герай уру-

ғидан деб ҳисоблашга асос бўлади. Йигит бошининг лента билан боғланишига қараганда, у шаҳзодага ўхшайди. Чунки бундай ленталар шоҳлик, ҳокимлик белгисидир. Шаҳзоданинг юз тузилишида мағурурлик, улуғворлик ва қатъийлик аломати мужассам.

Умуман, Холчаёнда топилган ҳайкаллар ҳаётий, таъсирчан ва жозибадор. Бу ердаги ҳар бир ҳайкалнинг ўзи бир дунё, баҳоси йўқ ноёб асадир. Уларда ўз замонасининг мафкураси, диний тасаввурлари, маданий-маиший ҳаётининг баъзи томонлари ёрқин ифодаланган. Холчаёнда топилган ҳайкаллар ва расмлар ўтмиш даврга хос услубда ишланган. Зеро, бу ерда эллинизм, маҳаллий бактрияликларнинг ва кўчманчи юечжи қабилаларининг маданий анъаналари ҳам маълум даржада ўз аксини топган. Мана шу уч куч асосида Кушон маданияти шакллана борди. Табиийки, бу жараёнда маҳаллий бактрияликларнинг маданий анъаналари таъсири бошқаларнига қараганда кучлироқ бўлган. Вақт ўтиши билан бу ҳол янада кучлироқ кўзга ташлана бошлайди. Айниқса, II—III асрларда Бактрия тасвирий санъатида эллинизм анъаналарининг таъсири жуда пасайиб кетди.

Аксинча, Бактрияда ҳинд маданиятининг, айниқса будда дини билан боғлик бўлган санъатининг таъсири орта борди<sup>3</sup>. Бунга бир қанча сабаблар бор. Биринчидан, тахминан тўрт аср давомида Бактрия ва Ҳиндистоннинг ягона салтанат—Кушонлар подшолиги таркибига кирганлигидир. Бунинг натижасида икки мамлакат ўртасидаги мавжуд маданий алоқалар янада яқинлашди. Иккинчидан, бунга будда динининг кушонлар салтанатининг давлат дини деб эълон қилиниши сабаб бўлди. Бу воқеа кушон шоҳи Канишка ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Лекин бу билан биз бунгача Бактрияда будда дини тарқалмаган демоқчи эмасмиз. Будда дини, бу ерда, сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотларга қараганда, милоднинг бошларида тарқала бошлаган.

Ҳар қандай бошқа динлар каби, буддизм ҳам иносоннинг борлиқлиги моҳиятига ўзича изоҳ беради. Изоҳ-

<sup>3</sup> Будда — Буддха санскритчада нурланган деган маънони билдиради. Буддизм анъаналарига кўра, Будда буддизм динининг асосчиси бўлиб, авлиё бир зот ва у одамларни азоб-уқубатлардан халос этиш учун пайдо бўлган экан. Будда номини олган одам аслида Гаусма подшолигининг шаҳзодаси бўлиб, унинг асли исми Сиддхартха Гаусма бўлган ва милоддан олдинги 623—544 йилларда яшаган.

лар эса, бириичи навбатда, санъатда ўз ифодасини топди. Чунки санъат инсон онгига тез ва ўткир таъсир этадиган воситалардандир. Турли мамлакатларда турли тарихий даврларда бу воситадан руҳонийлар кенг фойдаланганлар. Буддизм тарғиботчилари ҳам бундан четда қолмадилар. Улар Будда таълимотини омма орасида кенг тарғиб қила бошладилар. Бунинг учун улар маҳсус ибодатхоналар қуриб, уларда Будда ва бодисатваларнинг ҳайкалларини ўрнатдилар. Деворларда уларнинг ҳаётларидан лавҳалар чизилди. Бу ибодатхоналарда Будда ва Бодисатва ҳайкаллари ва расмларидан ташқари, бошқа турли қиёфадаги ва мазмундаги ҳайкал ва расмлар ҳам бўлган. Қизифи шундаки, уларда ҳам озми-кўпми буддизм ғоялари ўз ифодасини топган. Буни Айртомдаги ибодатхона харобаларида топилган ҳайкаллар мисолида ҳам, Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепада топилган ҳайкаллар мисолида ҳам кўриш мумкин.

## АЙРТОМ ПИРАМОНИ

Айртом Термиз шаҳридан 18 км шарқда, жўшқин Амударё бўйида жойлашган. Айртом кушонлар даврига оид ўзига хос ёдгорликдир, яъни бу ердаги иморатлар тарқоқ ҳолда жойлашган. Ҳозир ёдгорликнинг анчагина қисмини Амударё сувлари ювиб кетган. Айртомни ўрганишга қизиқ бир тасодиф сабаб бўлди. Бу 1932 йилнинг куз фаслида содир бўлган эди. Чегарачилар катерда сузиб кетаётуб, дарё тагида ётган қандайдир катта бир тош бўлагига кўзлари тушиб қолди. Тошда одамлар тасвирланган эди. Улар бу тошни дарё тагидан кўтариб олиб, Тошкентга, олимларга хабар бердилар. Тезда Термизга бир группа олимлар етиб келди. Улар орасида машҳур олим М. Е. Массон ҳам бор эди. У мазкур тошда тасвирланган расмларни синчиклаб ўрганиб, уни кушонлар даврига оид эканлигини аниқлади. Тош дарё бўйида жойлашган баланд тепадан қулаб тушган эди. Ҳозир бу топилма Эрмитаж залларидан бирини безатиб турибди.

1933 йилининг кузида Айртомни ўрганишга маҳсус экспедиция уюштирилди. Экспедиция ўз ишларини мазкур тош қулаб тушган тепани ўрганишдан бошлади. Маълум бўлишича, бу тепа ибодатхона харобаси бўлиб, ундан ҳар хил қиёфадаги ва мазмундаги ҳайкаллар топилди. Улар асосан, оҳактошдан ясалган. Шулардан бирига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу қачонлардир ибо-

датхона карнизини безатиб турган уч созанданинг ҳайкалларидир (6-расм). Карнизниң бир томонида юзини сал ўнгга буриб турган ва чилтор чертаётган кулча юзли, күзлари катта, қошлари туташган, қырра бурунли, лаблари қалин ёш аёлниң ҳайкали тасвиirlанган. Аёлниң эгнида қимматбаҳо кийим, қулоқларида сирға, қўлларida билакузук, бўйнида маржонлар бор. Торга ўхшаш чолғу асбобини чалаётган иккинчи аёл бироз



6-расм. Айртомдан топилган созандалар ҳайкали.

чапга қараб турган ҳолатда тасвиirlанган. Унинг эгнидаги кийим бириичи аёлниң эгнидаги кийимдан ўзининг одмилиги билан ажралиб туради. Кўлларида билакузук бор, қулоқларида сирға бор-йўқлиги билинмайди. Чунки аёлниң боши рўмол билан ўралган. Аёлниң рўмол ўраш услуби диққатга сазовор. Рўмолининг бир учи орқага ташланган, иккинчи учи эса аёл елкаси ва қўлиниң юқори қисмини ёпиб турибди. Бу икки аёл оралиғида акант япроғи тасвиirlанган. Япроқ учи олдинга бироз эгилган ҳолатда акс эттирилган.

Учинчи ҳайкалда ғабла чалаётган ёш созанда тасвиirlанган. Созанданинг йигит ёки қиз эканлигини ҳайкалга қараб аниқлаш қийин. Унинг юзи думалоқ, кўзлари катта, қовоқлари солинган, қошлари туташиб кет-

ган, сочларн калта ва жиигалак. Созанда лабида кулгичлар жойлашган. Бу созанданинг қулоқларида ҳам сирға, қўлларида билакузук, бўйнида маржонлари бор. Мазкур созанда билан тор чалаётган созанда орасида худди олдингидагидек акант япроғининг тасвири бор. Учинчи созандадан кейин ҳам яна бир акант япроғи акс эттирилган. Бизнингча, бу раҳда яна иккى созанда нинг ҳайкали бўлган. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Зеро будда дини билан боғлиқ қадимги ҳинд афсоналарида бешта «муқаддас товуш таратувчи» мусиқа асбоблари: чилтор, тор, ноғора, уд ва кимвалах\* қайд қилинади. Ўз-ўзидан равшанки, бу беш асбобни беш киши чалган. Ривоятларда айтилишича, бу «созандалар группаси» Буддага лаззат, завқ бағишлиши керак бўлган. Ҳайкалларнинг тагида ҳам қатор акант япроқлари тасвирланган. Аммо булар созандалар орасида тасвирланган япроқлардан кичикроқ. Созандаларнинг юз қиёфаси Ганхара, юон-рим ҳайкаллари қиёфасидан тубдан фарқ қиласди. Бу ҳол, айниқса диққатга сазовордир. Демак, бу санъат асари, бактриялик ҳайкалтарошнинг маҳсулидир. Унда ҳақиқий бактрияликнинг юз қиёфаси акс эттирилган. Учала созанда чеҳрасидан ҳам енгил табассум сезилиб турибди. Лекин, умуман олганда, уларнинг чеҳралари шавқсиз, танг ва турғун. Уларда Холчаёндан топилган ҳайкалларда бўлганидек туйғунлик ва жўшқинлик аломатлари сезилмайди.

Айртом ибодатхонасида жуда кўп бошқа ҳайкаллар ҳам топилган. Уларнинг кўпчилигига осмон парилари—девапутралар тасвирланган. Парилар гулчамбар ва ичида хушбўй модда солинган идишлар кўтариб кетаётган ҳолатда акс эттирилган. Мазкур образлар ҳам будда дини билан боғлиқдир. Агар созандалар Буддага лаззат ва завқ бағишилган бўлса, у ҳолатда парилар унинг йўлига гуллар тўшаганлар ва атир пуркаганлар. Тахмин қилинишича, Айртом ибодатхонасидан топилган ҳайкаллар асосан Будданинг ўлим маросими билан боғлиқ бўлган. Айртом ҳайкаллари, сўзсиз, кушонлар давридаги Бактрия маданиятининг бафоят юқори тараққиётидан гувоҳлик беради.

## ТЕРМИЗ ИБОДАТХОНАЛАРИ

Кушонлар давридаги Шимолий Бактриянинг энг катта ибодатхонаси Қадимий Термиз шаҳри яқинидан

\* Ҳинд ногораси.

бўлган. Бу ибодатхонага ўша замондаги кўпчилик шаҳар ва қишлоқлардан бутпарастлар келиб сажда қилгандар. Гарчи ҳар бир шаҳарда бутпарастларнинг алоҳида ибодатхоналари бўлса-да, марказий ибодатхонада тоат-ибодат маҳаллий ибодатхоналардагидан бошқача файритабиий руҳда ўтган. Бунинг устига марказий ибодатхона коҳинлари будда дини ақидаларини жуда яхши билганлар. Шу билан бирга Термиздаги ибодатхона қошида будда динининг воизлари таҳсил олишган. Улар бу ерда Будда таълимотини мукаммал ўрганганлар. Қизиқарли томони шундаки, улар будда динининг ватани бўлмиш Ҳиндистон коҳинлари билан bemalol рақобат қилганлар. Ёзма манбалардан маълумки, Термиздан Ҷхармамитра исмли машҳур коҳин етишиб чиққан. Иккинчи бир тарғиботчи Гҳошака ҳисобланади. У Пешаворда буюк Кушон шоҳи Канишка уюштирган бутпарастларнинг йиғилишида иштирок этган. Гҳошака билан Бактрияда буддизмнинг бир мазҳаби—вайбахишкларнинг тарқалиши боғланган. У бундан ташқари буддизмга бағишлиланган катта бир асарнинг муаллифи ҳам бўлган. Бу асар «Абхидхормапитака» деб аталган.

Термиз ибодатхоналарининг бири ҳозир Қоратепа номи билан боғлиқ. Мана йигирма йилга яқиндирики, Қоратепада археолог Б. Я. Ставиский раҳбарлигида археологик тадқиқотлар кенг миқёсда тўхтовсиз равишда олиб борилемоқда. Ҳозиргача Қоратепада ўндан ортиқ иншоотлар групласи очиб ўрганилди. Ҳар бир бундай иншоот тўғрибурчакли катта ҳовли, ибодатхона ва уни тўрт томондан ўраб турган йўлакдан иборат. Ибодатхона хоналарининг бирида Будданинг ҳайкали, иккинчисида ступа топилди. Афусски, ступанинг ҳозир фақат таг қисми сақланиб қолган.

Қоратепада топилган ступалар буддизмга хос иншоот бўлиб, у ҳамма будда дини тарқалган мамлакатларда учрайди. Бундай ступалар асосан бир хил услубда қурилган. Ступаларнинг асоси тўртбурчак бўлиб, бир неча метр баландликка кўтарилган бўлади. Баландлик устига эса цилиндрсиз иншоот солинган. Унинг баландлиги ҳам бир неча метрга ёки ўн метрга teng бўлган. Унинг усти гумбазсизмон қилиб ишланган ва унга ёғочдан туғ ўрнатганлар. Бу туғга тошдан ясалган бир нечта соябон ўрнатганлар. Бундай соябон буддистларда чатра деб аталган. Буддистларнинг ҳисоблашича, чатра муқаддас дарахтнинг рамзи бўлиб, мазкур дарахт соясида Будда ўз диний назариясининг асосларини ишлаб чиққан экан. Қоратепа ибодатхона хоналари-

шинг деворларида эса диний мазмундаги расмлар акс этган. Хусусан, Буддани ўзининг тасвири ҳам бўлган. Қизиги шундаки, Қоратепадаги мазкур ишоотлар худди Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистондаги бутпарастларнинг ибодатхоналари каби ер остига қурилган. Аммо Қоратепада ер устига қурилган бинолар ҳам бўлган. Ер устига қурилган ишоотлар ер остига қурилган ишоотлар билан узвий боғланганлар. Қуйида Қоратепадаги мана шундай ер устига ва ер остига қурилган ишоотларнинг бир-бирлари билан узвий боғланганлигини кўриб чиқамиз. Тепалик устига катта ҳовли қурилган. Унинг тўрт томони кенг айвон билан ўралган. Ҳовлининг ғарбий қисмида ер остида жойлашган ибодатхона билан боғловчи иккита эшик жойлашган. Пастки хоналарга зинапоялар орқали тушилган. Деворнинг ўртасида катта токча бўлиб, унда Будданинг катта ҳайкали турибди. Ҳовлининг шимолий ва ғарбий қисмидаги айвоннинг деворлари қизил рангда оддийгина расмлар билан бўялган, жанубий айвоннинг деворлари тури расмлар билан безатилган. Расмлар айвоннинг ўртасидаги эшикнинг икки томонига чизилган. Бу эшик ҳовлини кичик бир ёритгич билан боғлаган. Расмлар ҳаворанг бўёқ устига чизилган. Хусусан, бу ерда донаторлар<sup>4</sup>, ибодатхона қурилишига маблағ ажратган ва унга ҳомийлик қилган аслзода эркак ва аёлларнинг расми чизилган. Кираверишдаги эшикнинг юқорисида Будда ва руҳонийлар расми жойлашган. Бу ерда, айниқса Будданинг расми эътиборни тортади (7-расм). Рассом унинг юзини ёш аёлларнинг юзига ўҳшатиб тасвирилаган. Унинг юзида қандайдир сирли мулоимлик, лабларида эса илиқ табассум ифодаланган. Умуман, бу расмлар катта маҳорат билан чизилган бўлсада, уларда жўшқин ҳаётийлик сезилмайди. Албатта, бунда ўша замон диний мафкураси ўз ифодасини топган бўлса керак.

1968 йили Қоратепа ибодатхонасидан 2—3 км шимоли-шарқда буддистларнинг яна бир ибодатхонаси топилди. Унинг топилиши Бактрияда буддизмни ўрганиш борасида муҳим бир босқич бўлди. Бу ибодатхона фанда Фаёзтепа номи билан маълумдир. Ҳозир Фаёзтепа археологик жиҳатдан тўла ўрганилиб чиқилди. Текширишлар Фаёзтепанинг вихара туридаги ибодатхона эканлигини кўрсатди. У уч комплексдан иборат бўлиб,

<sup>4</sup> Донатор — лотинча *donator* сўзидан олинган бўёлиб, ҳадя қиувчи деган маънони билдиради.

ҳар бирида ҳовли бўлган. Ибодатхонанинг марказий қисмидаги комплексда диний маросимлар ўтказилган, шимоли-гарбий комплекс монастир, учинчи комплекс (жануби-шарқий) эса ҳўжалик ишларини олиб боришга мўлжалланган. Марказий комплекс ҳовлисининг



7-расм. Қоратош ибодатхонасидан топилган Будда расми.

шимоли-гарбий қисмida жойлашган эшик монастир комплекси билан боғланган. Мазкур эшик яқинида оҳактошдан ясалган ҳовузча бўлган. Ҳовузчадан сув шер бошига ўхшатиб ясалган труба орқали чиқиб турган. Марказий комплекс ҳовлисининг шимолий қисмida ступа жойлашган. Унинг шакли Қоратепадаги ступаларга жуда ўхшайди. Фаёзтепа ступасининг соябони сақланмаган. Марказий комплекснинг жанубий қисми-

да, ступанинг қарама-қаршисида ибодатхона жойлашган. Ибодатхонага кираверишда марказий ҳовлининг жанубий айвонида лой ва ганчдан ясалган Будда ва бодисатваларнинг<sup>5</sup> ҳайкаллари турган. Уларнинг кўпчилиги қизил ва устидан тилла суви билан безатилган. Айвоннинг деворида эса турли мазмундаги расмлар жойлашган. Ибодатхона деворлари ҳам расмлар билан безатилган. Хусусан, унинг жанубий деворида қизил кўйлак кийган Будданинг расми чизилган.

Унинг икки томонида яна икки кишининг расми бор. Улардан бирин буддага сажда қилмоқда. Булардан ташқари, бу хонада бошқа кишиларнинг катта маҳорат билан чизилган расмлари ҳам топилган. Расмда тасвириланаётган одамларга қандайдир ҳаётийлик баҳш этаолганлар. Мазкур хонадан топилган оқ мармартошдан ва алебастрдан ясалган ҳайкаллар ҳам диққатни жалб этади. Уларнинг кўпчилиги бўёқ ва тилла суви билан қопланган. Ҳайкаллар орасида алебастрдан тайёрланган Будданинг ҳайкали алоҳида ўрин тутади. Ҳайкал ўзининг ниҳоятда бежиримлиги ва юқори эстетик дид билан тайёрланганлиги учун одамларда зўр қизиқиш уйғотади. Ҳайкалнинг юзи оқ, кўз ва соchlари қора ранг билан бўялгаи.

1972 йили бу ерда оқ мармартошдан ясалган ҳайкаллар группаси топилди. Унда Будда ва икки руҳоний акс эттирилган (9-расм). Будда муқаддас дараҳт тагида ўтирган, руҳонийлар эса унинг икки томонида турган ҳолда тасвириланган. Бу ҳайкаллар группаси шунчалик нафис ва гўзал ишланганки, уни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бундай ишланган Будда ҳайкали ҳатто буддизм ватани ҳисобланган Ҳиндистонда ҳам маълум эмас. Фаёзтепа топилмалари тўғрисида жуда кўп ёзиш мумкин. Афсуски, китобимизнинг ҳажми бунга имкон бермайди. Бу ерда фақат шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, яъни Фаёзтепага қадимда одамлар фақат сажда қилгани келмай, балки юқорида қайд қилган монастирда таҳсил ҳам кўрганлар ва яшаганлар. Эҳтимол, юқорида қайд қилинган термизлик руҳонийлар Дхармамитра ва Гхошака мана шу Фаёзтепа ибодатхонасида саводларини чиқарганлар. Умуман, Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари қанчалик ҳаробага айланмасин, улар ўзларининг маҳобатлиги, расм ва ҳайкаллари эса минг йиллар ўтишига қарамасдан ўзининг мазмуни ва ишланиш услуби билан ҳозир ҳам

<sup>4</sup> Бодисатвалар — Будданинг сафдошлари

одамларда кучли таассурот қолдиради. Энди бир неча дақиқа күз олдингизга келтириңгичи, ўз даврида мазкур ибодатхоналар ва уларниң деворларида чизилган расмлар, ҳайкаллар бу ерга келгаш одамларга қанчалик кучли ва шу билан биргә сирли таъсир күрсатған. Улар ўзларини бошқа бир дунёга келиб қолғандек сезишган бўлсалар керак.

Қоратепа ва Фаёзтепадаги тадқиқотлар бизга Будда дини билан боғлиқ бўлган меъморчилик иншоотлари тўғрисида қимматли маълумотлар берибина қолмай, у Будда динининг Ўрта Осиёда, хусусан Бактрияда тарқалиш йўллари, буддизм ғоялари билан суворилган санъат, бактрия тили, ёзувлари ҳақида фикр юритишга имконият яратди.

Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари ўзларининг қурилишлари билан Ҳиндистондаги будда ибодатхоналаридан ажралиб туради. Будданинг узи хам бу ерда ўзига хос тасвиrlанған. Маълумки, Будданинг учта ўзига хос ажратиш белгилари бўлган: пешонасида доғ, бошининг ўртасида дўнглик ва қулоғининг солинчоғи узун бўлган. Қоратепа ва Фаёзтепада тасвиrlанған Будданинг эса, бундай ажратиш белгиларидан ташқари, атрофи нимб<sup>6</sup> ёки аланга билан ўралган. Бу борада Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари ва расмлари Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқдаги буддистларнинг ибодатхоналари ва расмларига кўпроқ яқин. Аммо улар Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналаридан анча кейинги даврларга онддир. Демак, Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарққа буддизм Ўрта Осиё орқали тарқалған, деб ҳисоблаш мумкин.

Сурхкотал — оташпаратлар ибодатхонаси. Кушонлар даврида Будда динидан ташқари оташпаратлик ва бошқа маҳаллий динлар тарқалған эди. Оташпаратлар ҳам буддизм ҳомийлари каби йирик ибодатхоналар қурғанлар. Масалан, шундай ибодатхоналардан бири Жанубий Бактрияда — ҳозирги Шимолий Афғонистон териториясида очилган. Сурхкотал ибодатхонаси Туркистон тоғларида жойлашган бўлиб, унга зиналар орқали чиқилған. Ибодатхонанинг асосий зали тўғри бурчак шаклида бўлган. Залиниң томонлари  $35 \times 27$  м га тенг. Асосий зал уч томондан йўлаксимон хоналар билан ўралған бўлиб, залга уч йўлак орқали ки-

<sup>6</sup> Нимб — лотинча *pīmbus* сўзидан олинган ва булут маъносини билдиради. Буддизм санъатида нимб Будданинг боши атрофидаги ёғду тасвирига нисбатан қўлланилиб, у муқаддаслик ва диндорлик аломатидир.

рилган. Залниң марказида тош бўлаклардан тўртбурчак шаклида кўтарилган кўтарма — супа қурилган.

Платформанинг бурчакларида устунлар бўлган. Қадимда бу платформанинг устида муқаддас ўчмас олов ёниб турган.

## ДАЛВАРЗИНТЕПА — ИЛК ҚУШОНЛАР ПОЙТАХТИ

Шўрчи райони яқинидаги Далварзинтепада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ўзининг илмий аҳамияти жиҳатидан Холчаён, Айртом, Қоратепадан қолишмайди. Мана бир неча йилдирки, бу ерда кенг миқёсдаги археологик қазиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир Далварзинтепада кушонлар даврига оид иморатларнинг харобалари очилган. Айниқса бу кўҳна шаҳарнинг ўртасида жойлашган тепаликда олиб борилган археологик қазиш ишлари диққатга сазовордир. Текширишларга қараганда, бу ерда қандайdir катта маъмурий бинонинг харобаси бўлган экан. Мазкур бинонинг хоналари орасида бўйи 11,6 м, эни 9,6 м ли хона ажралиб туради. Бу хонанинг деворлари бошқа деворларга қараганда қалироқ, сувоқлари нисбатан сифатли. Хонанинг томи текис бўлиб, бу қадимда тўртта устунга таяниб турган. Бизгача устунлар сақланиб қолмаган бўлса-да, уларнинг оҳактошдан ясалган тагкурсиси етиб келган. Устунлар арча дараҳтидан ясалган бўлса керак. Тахмин қилинишича, бу хона қадимда шаҳар ҳокими ёки қандайdir амалдорнинг меҳмонхонаси ёки қабулхонаси бўлган. Хонани уч томонидан узун ўлаксимон хоналар ўраб турган. Қазиш давомида бу ерда иккинчи даражали бошқа хоналар ҳам топилган. Бундан ташқари, Далварзинтепада кулолларнинг маҳалласи ҳам ўрганилган. Кулоллар яшайдиган хоналар ўзининг ҳашаматлилиги билан ажралиб туради. Хоналарнинг деворлари турли бўёқлар билан нақшланган. Бу ерда ҳайкаллар ҳам топилган. Демак, кулоллар ўзларига анча тўқ бўлганлар. Сопол идишларни пиширадиган хумдонлар уйларнинг яқингинасида жойлашган. Ҳозиргача бу ерда ўндан ортиқ хумдон қазиб ўрганилган. Очилган хумдонлар икки қаватли бўлиб, унинг пасткиси ўтхона вазифасини, юқориси эса идишларни пиширадиган хона ролини ўтаган. Хумдонларнинг ўзи тўғрибурчак шаклида бўлган. Ўтхона ва сопол пиширадиган хона маҳсус тўсиқ билан ажратилган. Бу тўсиқда ўнлаб тешикчалар бўлиб, бу тешикчалар орқали иссиқ ҳаво пишириш хонасига ўтган ва сопол идишлар-


ни пиширган. Топилган сопол идишлар сифатлилиги ва чиройлилиги билан фарқ қиласди. Далварзинтепа кулоллари сопол идишларни тайёрлашда катта муваффақиятларни қўлга киритганлар. Бунга бу ерда топилган сопол идишлар гувоҳ бўла олади. Улар бир хилдаги идишларни навбатма-навбат тайёрлашни йўлга қўйганлар.

1972 йилда Далварзинтепада олтин буюмлардан иборат хазина топилди. Кичик кўзадаги хазина уйлардан бирининг поли тагига кўмиб қўйилган экан. Кўзада олтиндан тайёрланган 115 та буюм бўлган. Сирғалар, билакузуклар, камарбандлар, узуклар, олтин шодаси ва олтин ёмбилар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳар бири, аввало, санъат асари сифатида бебаҳо аҳамиятга эгадир (8-расм). Олтин безаклар зўр маҳорат билан тайёрланган бўлиб, улар гўзаллиги, нағислиги, жимжимадорлиги ва нозик ишланганлиги билан кишини лол қолдиради. Камарбандларда афсонавий ҳайвонлар тасвиrlанган. Бу топилдиқ кушонлар даврида Бактрияда заргарлик санъатининг юқори тараққий қилганлигидан далолат беради. Хазина милоднинг II—III асрларда қўмилган деб тахмин қилинмоқда.

Казиш давомида Далварзинтепада юқорида қайд қилинган топилмалардан ташқари яна жуда кўп турлитуман нарсалар—сопол идишлар, ҳайкалчалар, тақинчоқлар, кушон шоҳларининг тангларни, шатранж доналарни ва бошқа шу каби нодир нарсалар топилган. Бу топилмаларнинг ҳаммаси Далварзинтепада яшаган аҳолининг диний эътиқодлари ва маданий ҳаётининг турли томонлари тўғрисида тасаввур беради. Бу ерда олиб борилган археологик тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, бу шаҳарнинг пойдеворига Юнон—Бактрия шоҳлиги даврида асос солинган экан.

Далварзинтепа атрёфида бир қанча кичик тепалар сақланиб қолган. Археологлар бу тепаларнинг бир нечтасида қазиш ишларини олиб бормоқдалар. Тепаларнинг биридан кушонлар даврига оид ибодатхона харобаси топилди. Ибодатхона бир неча хоналардан иборат бўлиб, хона ичида будда дини худоларининг турли ҳайкаллари топилди. Ҳайкалларнинг ҳаммасини маҳалий бактриялик ҳайкалтарошлар тайёрлаганлар. Шунинг учун уларда Бактрия тасвирий санъатининг анъ-аналари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шундай бўлса-да, ҳайкалларда гандхар ва юнон-рим санъатлари анъаналарининг таъсири бирмунича сезиларлидир. Шунингдек, яқинда бу ерда яна бир ноёб ёдгорлик борли-

ги аниқланды. Даңварзинтепадан бир неча километр узоқликдаги кичик тепани текислашаётган тракторчилар хом ғильтдан қурилған бинонинг деворларини күриб қолдилар ва бу түгрида дарҳол археологларга ха-



8-расм. Даңварзинтепадан топилған олтин оюнлардан бири.

бар бердилар. Тезда бу ерда узун йўлакининг тархи аниқланды. Йўлакнинг ҳар икки томонида тўрттадан хона жойлашган экан. Хоналарнинг шипи гумбазсимон қилиб қурилған. Бу хоналардан одам суюклари, сопол идишлар, турли тақинчоқлар ва тангалар топилди. Ҳар бир хонада бир неча одам қўмилған экан. Уларнинг суюклари ҳар томонга сочилиб кетган. Албатта, бу тасодиф эмас.

Маълумки; Ўрта Осиё халқлари, жумладан бактрия-ликлар орасида дин эркинлиги мавжуд эди. Шунинг учун аҳоли ҳар хил динга төпинган. Бактрия аҳолиси орасида айниқса будда ва зардустийлар динига сажда қилювчилар кўп бўлган. Бу ерда кўмиш маросими ҳам турлича бўлган. Чунки ҳар бир дин ўзига хос кўмиш қоидаларини ишлаб чиқсан. Текширишлар шуни кўрсатадики, Далварзинтепа яқинида топилган бино сағана қолдифи бўлиб, унинг энг пастки қатламида одамлар ётган ҳолда хумга кўмилган экан. Ўрта қатламда аввал даҳмада тозаланган одам суюклари қайд қилинган. Демак, ўрта қатламда кўмилган одамлар зардустийлар динидаги кишилар экан. Шунинг учун уларни зардустийларнинг одатига биноан кўмганлар. Юқори қатламда одамлар бир-бирлари устига кўмилганлар. Мазкур сағана милоддан олдинги II—I асрларда қурилган бўлиб, ундан кушонлар даврида ҳам фойдаланганлар. Бу ердаги қазиш ишларига раҳбарлик қилган археолог Э. В. Ртвеладзенинг фикрича, мазкур сағана бир ургуга қарашли бўлган.

Шимолий Бактрияда топилган бу сағана фан учун жуда аҳамиятлидир. Чунки у кушонлар давридаги маҳаллий бактрияликларнинг дағн қилиш маросими, қабрларининг тузилиши каби муаммоларнинг ечилишида муҳим роль ўйнайди. Бактрияда яшаган кўчманчи юечжи қабилаларининг дағн маросимлари эса бошқачароқ бўлган.

Ҳозир қадимий Бактрияда очилган ўнга яқин кўчманчиларнинг қабристони маълум. Тожикистондаги Тулхар, Кўккум, Ориқтов ва Туркманистондаги Бабашов қабристонлари шулар жумласидандир. Айниқса Тулхар қабристони яхши ўрганилган. Бу қабристондаги 350 га яқин гўрдан 219 таси ўрганилган. Археологик қазиш ишлари шуни кўрсатдики, Тулхарда асосан иккни хил гўр мавжуд бўлган. Уларнинг биринчи хили худди ҳозирги мусулмонларнинг гўрлари — лахадга ўхшайди, иккинчиси ёрмадир. Ўликлар ясаниб ётган ҳолатда кўмилганлар, бошлари шимол томонда бўлган. Уларнинг олдидан сопол идишлар, қуроллар, тақинчоқлар ва суюклар топилган. Қадимги одамларнинг тасаввурича, бу нарсаларнинг ҳаммаси нариги дунёда уларга керак бўлган. Гўрларнинг оғзи ва тепаси тошлар билан бекитилган.

## ВИЛОЯТ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИДА

Сўнгги йилларда Сурхондарёда жойлашган кушионлар даврига оид яна бир ёдгорлик — Ангор райони яқинидаги Зартепада ҳам қазиш ишлари олиб борилмоқда. Бу кўҳна шаҳар тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг томонлари 400 метр, яъни 16 гектар майдонни эгаллаган. Кўриниб турибдики, ҳокимият шаҳар қурилиши бўйича маҳсус йўл тутган. Бу даврда шаҳарларнинг ҳаммаси тўғри тўртбурчак шаклида бўлган. Буни юқорида тилга олинган Холчаён, Далварзинтепа мисолида ҳам кўрган эдик. Зартепадаги дастлабки текширишлар натижаси археологлар кутгандан ҳам зиёдроқ бўлиб чиқди. Қазиш ишлари шаҳар марказидаги маъмурӣ бинонинг харобаларида 1972 йилдан бери давом этаяпти. Бу ерда ҳозир ўндан ортиқ хоналар очилган. Очилган хоналардан бири ўзининг катталиги билан ажralиб туради. Унинг бўйи 17,8 метр, эни эса 9,2 метр. Деворлари пахсадан бўлган хоналар қалин лой сувоқ қилинган. Хонанинг шипини 12 та устун кўтариб турибди. Улар икки қатордан қўйилган бўлиб, ҳар бир қаторда 6 тадан устун бўлган. Афсуски, устунларнинг ўзи бошқа ёдгорликлардаги каби ёғочдан бўлгани учун бизгача етиб келмаган. Аммо устунларнинг тагкурсилари ҳозир ҳам дастлабки ўрнатилган жойида турибди. Бу тагкурсиларнинг ҳаммаси оқ оҳактошдан тайёрланган.

Мана бир неча йилдирки Зартепада яна бир муҳим обьектда археологик қидирув ишлари олиб борилмоқда. Археологлар шаҳар аҳолисининг, асосан, ишлаб чиқарувчи қисмининг ҳаёти ва турмушини ўрганишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Чунки бу энг кам ўрганилган муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ерда олиб борилган археологик қидирув ишларининг натижалари диққатни тортади. Чунки шаҳар аҳолиси яшайдиган маҳалланинг катта бир қисми очилиб ўрганилди. Маълум бўлишича, очилган маҳалла уйлари каттагина узун кўчанинг икки томонида жойлашган бўлиб, улар уч-тўрт ёки ундан ортиқ хонадан иборат бўлган экан. Уйларнинг эшиклари кўчага қараган, лекин баъзи уйлар ичкарироқда жойлашгани учун уларга тор йўлакчалар орқали борилган. Хоналарнинг майдони 4 кв м — 15 кв м гача. Шундай бўлса-да, майдони кичик хоналар ҳам кўп. Уйларнинг деворлари ганч ёки лой билан сувалган бўлиб, хом ғиштдан қурилган. Уйларда супа, ўчоқлар топилган. Археологик топилмалар эса бу ерда

шаҳар аҳолиси ҳаёти ва турмушини етарли даражада ёритишга ва умуман, шаҳар қурилиши тўғрисида тасаввур олишга имкон берди. Умуман олганда, Зартепада очилган маҳалла ўзининг тузилиши билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг эски пайтлардаги уйларининг қурилишини эслатади. Зартепада бутпарамастларнинг ибодатхонаси ҳам очилган. Қазиши давомида бу ерда олтин суви юритилган Будда ҳайкаларининг боши ва бошқа қисмлари топилган.

Маълум бўлишича, Зартепа аҳолиси асосан Будда динига сифинишган. Чунки 1970 йилда Зартепада мазкур ибодатхонадан ташқари буддистларнинг ступаси ҳам борлиги аниқланди. Ступа Зартепадан 200 метрча шарқда жойлашган ва иккни метр баландликкача сақланиб қолган. Унинг асоси тўртбурчак шаклида бўлиб, тўрт бурчак фиштлардан қурилган экан. Фиштларнинг бир томонида турли тамғалари бўлган. Ступанинг цилиндр шаклидаги қисми бор-йўғи 60 см сақланиб қолган. Қизиғи шундаки, ступанинг ўртасида гумбазсимон токча бўлган экан. Токчадан битта олтин пластинка, кўзача ва 500 дан ортиқ Кушон шоҳи Васудева I ва унинг тангаларига тақлид қилиб чиқарилган бронзатангалар топилди. Тангалар токчанинг бутун майдонида, турли баландликда битта, иккита ёки учтадан кесаклар билан бирга ётган эдилар. Ступа қурилаётганда шаҳарининг будда динига сажда қиласидиган аҳолиси биттадан ёки ундан ортиқ танга ташлаб ўтишган ва сўнгра гумбаз ёпилиб, у ступанинг тагида қолиб кетган. Маълумки, кўпинча ступаларнинг тагида шунга ўхшаш маҳсус бойлик сақлайдиган жойлар бўлган. Улар одамлардан йиғилган, лекин тўплаб бўлингандан кейин унга ҳеч кимниг тегиши мумкин бўлмаган. У энди мазкур ступанинг бойлиги ҳисобланган. Аммо бу бойликлар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Чунки уларни ўша вақтлардаёқ ёки кейинроқ ўғирлаб кетишган. Хуллас, бу гал археологларнинг омади келганилиги маълум бўлди. Бу тангалар, биринчидан, мазкур ступанинг қачон қурилганини аниқлашга ёрдам берса, иккинчидан, кушонлар ҳукмронлик қилган даврда Бактрия иқтисоди ва пул муомаласи қандай эканлигини аниқлашга имкон беради.

Шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганишда ҳам бу ерда археологлар маълум муваффақиятларга эришдилар. Ҳозир Зартепада 100 метрли мудофаа деворининг катта қисми очиб ўрганилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, турли тарихий даврларда шаҳарнинг деворлари ҳар хил қалинликда бўлган. Шаҳар барпо қилинган

даврдаги (милоддан олдинги I аср) деворнинг қалинлиги 9 метрга яқин бўлса, сўнгги даврда (милодининг IV—V асрлари) деворнинг қалинлиги ундан икки марта кам бўлган. Зартепанинг мудофаа деворлари ярим айлана шаклидаги миноралар билан мустаҳкамланган. Минораларнинг оралиғи 34 метр. Уларда шинаклар — нишон туйнуклари бўлган. Шинаклар орқали ёв ўққа тутилган. Деворларнинг ўзида ҳам шинаклар бўлган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий бўлавермаган. Девордаги шинакларнинг кўпин душманни алдаш ва васвасага солиш иниятида қилинган. Шаҳарнинг мудофаа қудратини ошириш мақсадида шаҳар тўрт томондан ҳандақ билан ўралган. Ҳандақ эса, ўз навбатида, сув билан тўлдирилган. Зартепадаги ҳандақнинг ўрни ҳозир ҳам яхши сақланиб қолган. Қадимда бу шаҳарнинг 4 та дарвозаси бўлган. Ҳокимнинг арки шаҳарнинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган бўлиб, у алоҳида ҳандақ билан шаҳардан ажратилган.

Бу манзарани бошқа шаҳарларда, хусусан Далварзинтепада ҳам кўриш мумкин. Арк ва шаҳар осма кўпrik орқали бир-бири билан боғланган. Зартепада қазиши давомида жуда кўп турли-туман сопол идишлар, ҳайкаллар, тангалар, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари топилди. Бу топилмаларнинг ҳаммаси шаҳар аҳолисининг моддий маданияти ва эътиқодлари ҳақида тасаввур олишга имкон беради. Топилмаларга қараганда Зартепа аҳолиси юксак маданиятли бўлгаилар.

### КУШОН ҚИШЛОҚЛАРИНИ ИЗЛАБ

Сўнгги йилларда Шимолий Бактриянинг кушонлар давридаги қишлоқ аҳолиси маданиятини, уларнинг диний тасаввурлари, эътиқодлари, машний ҳаётлари ва машғулотларини ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ харобаларида олиб борилаётган дастлабки тадқиқотлар, қишлоқ аҳолисининг турмуши шаҳарликлар турмушига анча яқин бўлганлигини кўрсатмоқда. Бу эса шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқалар қалин бўлганлигидан далолат беради.

Шеробод шаҳри яқинидаги Оққўрғон ёдгорлигига олиб борилган қазиши ишлари бу фикрни тасдиқлайди. Оққўрғоннинг умумий майдони 0,8 гектарга яқин бўлиб, баландлиги 2—3-метр атрофида. Ҳозир ёдгорликнинг юқори қатлами қарийб бутун майдонда очиб ўртанилди. Текширишлардан бу ерда қадимги уйларнинг қолдиқлари борлиги аниқланди. Уйларнинг деворлари

асосан пахса ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, ҳозир бу деворлар 25—30 см баландликда сақланиб қолган, холос. Уй деворларининг айримлари сомон сувоқ билан, бошқалари сувоқ устидан ганч билан сувалган. Қазилган хоналарнинг фақат биттаси алоҳида ажралиб турди. Мазкур хонанинг деворлари бошқа хоналарнинг деворларига қараганда қалин ва ганч сувоқ устидан турли рангдаги бўёқлар билан нақшланган. Оққўрғонда очилган хоналарнинг майдони айтарли катта эмас. Бунга асосий сабаб ўша давр қишлоқ қурилиш техникасининг ҳали яхши тараққий қилмаганилиги, қурилиш материалларининг камлиги ва қимматлиги эди. Бу ердаги уйларнинг томлари ясси бўлган. Дераза ўрнини бажарган ёруғлик дарчалари уйларнинг томларида жойлашган. Бундай деб ҳисоблашимизга қазиш давомида деворларда деразаларнинг ўрнилари қайд қилинмаганилиги асос бўлди.

Оққўрғонда ҳаммаси бўлиб бешта катта уйнинг харобаси очилди. Ҳар бир уйда битта катта патриархал оила яшаган. Бу патриархал оила бир неча кичик оиласардан иборат бўлган. Лекин бу кичик оиласалар ҳали катта оиласдан ажралиб чиқмаган ва алоҳида хўжалик юргизмаганлар. Катта уйлар бир-биридан катта майдончалар билан ажралиб турган. Тахминимизча, бу майдончалар ҳовли ва қўра вазифасини бажарган.

Қазиш давомида Оққўрғондан сопол идишлар, тангалар, ҳайкалчалар, тақиҷоқлар, уй-рўзғор буюмлари топилган. Мазкур топилмалар бу ёдгорликда одамлар неchanчи асрда яшаганини, уларнинг турмуш даражасини, маданиятини, динини, касбларини аниқлаш имконини берди. Топилмалар қишлоқ аҳолисининг моддий маданияти, турмуш даражаси анча юқори босқичда эканлигидан далолат бермоқда. Айниқса, сопол идишлар диққатга сазовордир. Оққўрғонда турли-туман кўзалар, қадаҳлар, косалар, тақсимчалар, хумлар, чойдишлар ва бошқа шаклдаги сопол идишлар топилди. Мазкур сопол идишлар ўзларининг сифати, бежирим шакли ва бағоят нафислиги, кўркамлиги билан ажралиб турди. Идишлар қизил ва жигарранг бўёқлар билан сирланган. Бундан ташқари, улар кўпинча босма нақшлар, ҳайвонлар ва одамлар тасвирланган суратлар билан бе затилган. Оққўрғонда топилган ҳамма сопол идишлар шаҳар ҳунармандларидан сотиб олинган деб тахмин қилинади. Чунки Оққўрғон яқинида ҳеч қандай сопол идишлар тайёрлайдиган хумдонлар топилмади.

Оққўрғон топилмалари орасида тангалар алоҳида

ўрин тутади. Бу ерда фақатгина юқори қатламнинг ўзидан 150 дан ортиқ мис танга топилди. Уларнинг кўпи Кушон шоҳлари Куджула Кадфиз, Вима Кадфиз, Васудева ва Кушон-сосоний подшолари даврида зарб қилинган. Афсуски, тангаларнинг бир қисмида сурат ва ёзувларни аниқлаб бўлмайди. Бу ерда барча Кушон подшоларининг тангалари учраганлиги диққатга моликдир. Бундан, Кушон подшолари тахтга ўтиргандан сўнг ўзидан олдинги подшоларнинг тангасини савдо муомаласидан чиқариб ташламаган экан, деган холоса чиқариш мумкин. Бу факт кушонлар ҳукмронлиги давридаги Бактрия ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кўпгина томонларини очишда муҳим роль ўйнайди. Унинг яна бир муҳим томони шундаки, кичик бир қишлоқда 150 дан ортиқ қадимги тангаларнинг топилиши ўша даврда ёқ қишлоқ аҳолиси орасида товар-пул муомаласи анча ривожланганлигидан далолат беради, чунки бунга қадар ўша даврларда товар-пул муомаласи асосан шаҳарларда ривожланган деб ҳисобланниб келинарди.

Оққўрғон қишлоқ аҳолисининг диний ва дунёвий тасавурлари ҳақида бу ерда топилган машшоқ аёл, ҳомиладор аёл, чавандоз, кийик, йўлбарс ва қўйларнинг ҳайкаллари орқали фикр юритиш мумкин. Мазкур ҳайкалчалар орасида Будда ҳайкалчаси диққатни тортади. Ҳайкалча горельеф\* усулида ишланган бўлиб, тахмонда оёқларини чалиштириб ўтирган ҳолда тасвирланган. Ушбу ҳайкалчанинг Оққўрғонда топилиши будда динининг Бактрия халқи орасида, хусусан қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам тарқалганлигидан далолат беради. Ваҳолонки, ҳозирга қадар будда дини фақат шаҳар аҳолиси орасида тарқалган деб ҳисобланарди.

Оққўрғондаги қазиш ишлари Кушон подшолари даврида қадимги Бактрия қишлоқ аҳолиси ҳаётининг баъзи бир томонларини яхшироқ ўрганиш имконини берди. Чунки қазилган уйларнинг қурилиш услуби Оққўрғонда тахминан 15—17 оила яшаганидан далолат беради. Одатда ҳар бир оила ўртacha 5—6 кишидан иборат, деб ҳисобланади. Демак, Оққўрғон аҳолисининг умумий сони 75—90 кишига яқин бўлган. Улар, асосан, дехқончилик билан шуғулланиб, буғдой, арпа ва тариқ етиштирганлар. Бошқа бошоқли ўсимликлар қолдиқлари ва темирдан ясалган ўроқларнинг топилиши туфайли ана шундай холосага келиш мумкин бўлди. Бундан

\* Горельеф — бирор нарсанинг текис сатҳига бўрттириб ишланган ҳайкаллар тасвирига нисбатан ишлатилади.

ташқари, оққўрғонликлар боғдорчилик ва узумчилик билан ҳам шуғулланишган экан.

Оққўрғонда яшаган катта оиласалардан бири ҳунармандчилик билан шуғулланган бўлса керак, деган тахмин ҳам бор, чунки бу уйдаги топилма шундай деб ҳисоблашимизга асос бўла олади. Хусусан, улар тоштарошлиқ билан шуғулланишган. Бу ерда уларнинг маҳсус устахонаси ҳам бўлганлиги аниқланди. Оққўрғонлик тоштарошлиар урчуқ боши, тегирмон тоши ва устун тағкурсиларини тайёрлаганлар. Қизиги шундаки, бу ҳунармандлар фақат ўзларининг ёки бўлмаса қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки бозорда сотиш учун ҳам маҳсулот тайёрлаганлар. Савдо пул орқали олиб борилган.

Энди сўнгги муаммо устида қисқача тўхталиб ўтамиш. Қишлоқнинг ташлаб кетилишига нима сабаб бўлган? Дастрлабки текширишлар шуни кўрсатадики, оққўрғонликлар ерларини Шеробод дарёсидан чиқарилган канал сувни билан суғорган эдилар. Бу каналнинг узунлиги 20 км га яқин бўлган. Каналнинг бош иншооти Шеробод дарёсининг тоғлар орасидан текисликка чиқадиган жойида жойлашган. Оққўрғон қишлоғи мазкур каналнинг қўйирогига жойлашган. Қишлоқнинг харобага айланишига асосий сабаб, каналнинг таъмир қилинмасдан ифлосланиб кетганлиги, шаҳар ҳокимиининг каналларни тузатишга қурби етмаганлиги бўлса керак. Қишлоқ аҳолиси эса ўз кучи билан бундай ишни уддай олмас эди. Дастрлабки археологик текширишлар шуни кўрсатдики, биринчى навбатда каналнинг этагида жойлашган, сўнгра каналнинг ўрта ва юқори қисмида жойлашган қишлоқлар сув етмаслиги натижасида харобага айланган. Канал бошида жойлашган қишлоқларнинг бирида олиб борилган археологик қазиш ишлари ушбу хулосанинг тўғри эканлигини исботлади.

Шундай қилиб, Оққўрғон қишлоғининг харобага айланиши ижтимоий ва сиёсий кризислар билан боғлиқ бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Оққўрғондаги археологик текширишлар ушбу кризиснинг бошланғич босқичи IV асрга тўғри келишини яна бир бор тасдиқлади.

## ДИЛБАРЖИН СИРЛАРИ

Жанубий Бактрияда ҳам кушонлар даврига оид бир қанча ёдгорликларда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин биз Диљбаржинда олиб борилаётган

археологик қазишларнинг баъзи якуплари ҳақида ҳис-  
коя қилиш билан кифояланамиз. Дилбаржин Совет—  
Афғон экспедицияси томонидан ўрганилмоқда.

Хозир Дилбаржинда шаҳар мудофаа деворлари ва  
унга шаҳарнинг ички томонидан туташган турли вази-  
фаларни ўтаган хоналар ва ибодатхона очиб ўрганил-  
моқда. Кушонлар давридаги ибодатхона Асосида қурил-  
гани бўлиб, унинг узуилиги 43,5 метр, эни 32,5 метрга  
тенг. Ибодатхона асосий диний маросим ўтказиладиган  
икки хона, уларни уч томондан ўраб турган қўш узун  
йўлак ва айвондан иборат бўлган. Асосий маросим ўт-  
казиладиган хонанинг томонлари 11 метрга тенг. Унинг  
деворлари қадимда диний мазмундаги расмлар билан  
безатилган. Деворларнинг баъзи жойларида сақланиб  
қолган бўёқларнинг изи шундан далолат беради.  
Бу ерда ҳайкаллар ҳам бўлган. Хонанинг деворлари  
ёқалаб 1 метр энликдаги супа қурилган. Хона ўртасида  
бўйи 2,5 м, эни 3,75 ва баландлиги 1,8 метрлик тошдан  
ясалган меҳроб бўлган. Меҳробли хонага кираверишда-  
ги тўртбурчак хона деворидаги расмлар бирмунча яхши  
ҳисобланган. Айниқса, хонанинг шимолий, яъни меҳроб-  
ли хона билан мазкур хонани ажратиб турувчи девори-  
га чизилган расмлар дикқатга сазовордир. Бу расм-  
ларда ҳиндалар худоси Шива ва унинг рафиқаси Пар-  
ватининг новвос—Нанда устида ўтиргани тасвиранган.  
Новвос Шиванинг ҳаётбахш кучини ифодаловчи ҳайвон  
бўлиб, у оёқларини йиғиб ётган тарзда чизилган ва та-  
наси оқ бўёқ билан бўялган. Шива ва Парвати ярим  
яланғоч ҳолда тасвиранганлар. Уларнинг икки томо-  
нида икки одамнинг расми бўлган. Одамлардан бирин-  
нинг расми деярли сақланмаган, иккинчи одамнинг тас-  
вири жуда яхши сақланиб қолган. Унинг эгнида узун  
оқ кийим. Кўйлакнинг олд қисми йўл-йўл чизиқли бўл-  
ган. Унинг ўнг қўли юқорига кўтарилиган. Бизнингча,  
бу шоҳнинг расми бўлиб, у ўнг қўлинин кўтариб худони  
қутляяпти. Новвоснинг оёқлари тагида яна бир неча  
одамларнинг расми бор. Шуниси ажабланарлики, бу  
одамларнинг расми Шива, Парвати ва шоҳ деб тахмин-  
қилинаётган одамларнинг расмларидан бир неча баро-  
бар кичик. Бу билан бактриялик рассом оддий одам-  
лар билан худолар ва шоҳлар орасидаги фарқни кўр-  
сатмоқчи эмасмикан? Тарих фанлари доктори  
И. Т. Кругликованинг тахминича, бу расмлар Кушон  
шоҳи Вима Кадфиз замонида чизилган. Маълумки, Ку-  
шон шоҳларидан биринчи бўлиб Вима Кадфиз ўз номи-

дан зарб қилинган тангаларниң орқа томонига Шива ва Нандининг расмини жойлаштирган.

Дилбаржининг мудофаа девори ҳам жуда катта майдонда очилган. Очилган майдондаги деворниң қалинлиги турлича сақланган. Баъзи бир жойларда деворниң баландлиги 8 метргача сақланган бўлиб, унда шинакларниң ўрни ҳам яхши кўриниб турибди. Деворниң қалинлиги 3 м. Дилбаржининг мудофаа девори асосан хом ғиштлардан қурилган экан. Бошқа шаҳарлардаги каби, бу ерда ҳам деворлар миноралар билан кучайтирилган. Лекин миноралар орасида масофа турлича бўлган. Бу ердаги миноралар ҳам тўғрибурчак шаклидадир. Ваҳолонки, кушонлар даврида асосан ярим айлана шаклидаги миноралар қурилган. Буни юқорида Зартепа миноралари мисолида ҳам кўрган эдик. Шу билан Дилбаржининг миноралари Юнон-Бактрия даврида қурилган минораларга айнан ўхшаш. Демак, бу шаҳарни мудофаа деворлари ва миноралари Юнон-Бактрия даврида қурилган деб ҳисоблаш мумкин. Қазишлар даврида Дилбаржиң деворлари ва миноралари фақат ремонт қилинган. Минораларниң иккинчи қаватига зиналар орқали кўтарилган. Минора ичидаги хоналарга эса мудофаа деворига ёндошлиб қурилган хоналар орқали кирилган. Лекин шаҳарниң ҳамма ері ҳам шундай эмас. Жумладан, шаҳарниң марказий мудофаа девори икки қисмдан — ташқи ва ички девордан иборат. Бу икки девор орасидан узун йўлак ўтган. Шаҳарниң бу қисмида жойлашган миноралар ичидаги хонага ана шу йўлаклар орқали кирилган.

Дилбаржинда ҳозиргача юздан ортиқ хоналар очилган. Бу хоналарда минглаб сопол идишлар, ҳайкалчалар, тангалар, турли-туман тақинчоқлар, меҳнат қуроллари топилган. Ўлар кушонлар давридаги дилбаржинликларниң мoddий маданияти қай даражада эканлигини аниқлашга имкон беради. Дилбаржинда ҳозир ҳам археологик тадқиқотлар давом этмоқда. Аминмизки, кейинги тадқиқотлар натижаси дилбаржинликлар ҳаётини ҳар томонлама чуқур ўрганиш учун янада муҳим мoddий далиллар беради.

Бактрия археологик ёдгорликлари ва уларда олиб борилаётган археологик тадқиқотларниң умумий натижалари билан таништиришни тугатар эканмиз, яна бир бор шуни қайд қилиб ўтмоқчимизки, мазкур текширишлар кушонлар даврида Бактрия ўз тарихий тараққиётининг энг юқори босқичига кўтарилганидан дало-

лат беради. Бу ҳол иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида ёрқин ўз ифодасини топди. Кушонлар ҳукмронлиги даврида Бактрияда мавжуд шаҳар ва қишлоқлардан ташқари, жуда кўп янги шаҳар ва қишлоқларга асос солинди. Термиз районидаги Зартепа, Вахш воҳасидаги Явон, Кобадиён воҳасидаги Кейобод-шоҳ шаҳарлари, Шеробод воҳасидаги Оққўрғон, Мозорбоботепа, Жарқўрғондаги Шералитепа, Омонтепа ва Бароттепа қишлоқлари шулар жумласидандир. Кушонлар даврида шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ғолдинги даврдагига қараганда янада мустаҳкамланди ва бир-бири билан яқинлашди.

Археологик тадқиқотлар вақтида кушон шоҳлари тангларининг кўхна шаҳар ва қишлоқ харобаларидан кўплаб топилиб туриши, бу даврда вилоятнинг шаҳар аҳолиси орасида ҳам, қишлоқ аҳолиси орасида ҳам товар-пул муомаласи кучли тараққий этганлигидан ва унинг вилоят иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаганидан далолат беради. Бу даврда Бактрияда кўплаб янги катта каналлар, хусусан, Занг, Жуйбор ва ҳоказолар қурилди. Бунинг натижасида экин майдонлари мисли кўрилмаган даражада кенгайди. Меҳнат қуролларининг такомиллашиши эса меҳнат унумдорлигини оширди. Кушонлар даврида шаҳарларда ҳунармандчилик янада ривожланди. Буни кулолчилик мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу даврдаги сопол фақатгина истеъмол буюмлари бўлмай, балки ўша замон кишисининг маънавий дунёқараши ва ҳатто мафкурасини белгиловчи буюм ҳам ҳисобланган. Қолаверса, улар санъат асарлари ҳамдир.

Бактрияниң гуллаб-яшнаётган шаҳар ва қишлоқларининг харобага айланишига нималар сабаб бўлди? Бу саволга жавоб топиш учун тарихга бир назар ташлайлик. Милоднинг III—IV асрларида Бактрияда сиёсий вазият жуда кескинлашиб кетди. У ҳарбий ҳаракатлар майдонига айланди. Бу вақтга келиб Парфия салтанатининг бутун ерларини босиб олишга улгурган ва тарих саҳнасида асосий кучга айланган сосонийлар кушонлар салтанатининг қудрати сусайганлигидан фойдаланиб, ўз ерларини кенгайтириш мақсадидаги Бактрияга тинмай тажовуз қилаётган эдилар. Узоқ давом этган бу курашда эронийларнинг, гоҳо кушонларнинг қўли баланд келиб турди. Аммо, Бактриядек гўзал ва бош ўлканни босиб олишга ва кушонлар салтанатини узил-кесил тор-мор қилишга сосонийлар эмас, балки

шимолдан, аниқроғи Орол деңгизи атрофларидан келген күчманчи қабилалар уюшмаси мұяссар бўлди. Улар Бактрияни босиб олиб, бу ерда ўз давлатларига асос солдилар. Бу давлат тарихда «Эфталитлар давлати» номи билан маълум.

Мазкур ҳарбий сиёсий ҳаракатлар, сўзсиз, Бактрия-нинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатди. Шаҳарлар талон-торож қилинди, каналлар ишдан чиқди. Кушонлар салтанатининг емирилишига фақатгина сиёсий омиллар сабаб бўлгани йўқ. Бу ҳаракатни тезлаштиришда салтанат территориясида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳам муҳим роль ўйнади. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги Кушон даврида кушонлар салтанати иқтисодий инқирозга қадам қўйди. Бу иқтисодий барқарорлик қулдорликка асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ эди. Охирги Кушон шоҳлари даврида қулдорликка асосланган давлат тузуми бошқа антик давлатлардаги каби тараққиётга тўсқинлик қилувчи кучга айланди. Салтанат территориясида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, яъни феодал ишлаб чиқаришига асосланган муносабатлар пайдо бўлаётган эди. Вақт ўтиши билан эски ва янги ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида ги зиддиятлар жуда кескинлашиб кетди. Бу зиддиятлар мамлакат ҳаётига таъсир этмай қолмади.

Салтанат территориясида юз бераётган бу сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар археологик ёдгорликларда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Археологик тадқиқотларга қараганда Бактриядаги бир талай шаҳар ва қишлоқларнинг харобага айланиши мана шу даврга тўғри келди. Далварзинтепа, Холчаён, Дилбаржин, Зартепа, Жондавлаттепа каби шаҳарлар шулар жумласидандир. Айрим шаҳарларда кейинчалик ҳаёт қисман тикланди.

Шундай қилиб, кушонлар салтанати тарих майдонида ўз ўрнини бошқа, ўзидан кучлироқ сиёсий уюшмаларга бўшатиб берди. Лекин бу билан биз кушонлар инсоният тарихидан бутунлай ўчиб кетди, демоқчи эмасмиз. Улар ўзларининг тахминан 400 йиллик ҳукмронлик даврида инсоният тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирдилар. Бу даврда яратилган ноёб санъат асарлари унинг ўтмишидаги қудратидан далолат бериб турибди. Кушонлар даврида яратилган санъат асарлари кўпгина дунё музейларининг кўрки, ўтмиш авлодлари кушон салтанати территориясида яшаган халқларнинг эса обрўси ва нуфузи ҳисобланади.

## МУНДАРИЖА

Кириш	3
Илк күшонлар ватанида	4
Шаҳзода саройи	9
Айртом пирамони	16
Термиз ибодатхоналари	18
Далварзинтепа — илк күшонлар пойтахти	24
Вилоят шаҳарларидан бирида	28
Күшон қишлоқларини излаб	30
Дилбаржин сирлари	38

**Ш. ПИДАЕВ**

**ЗАГАДОЧНАЯ ҚУШАНСКАЯ  
ИМПЕРИЯ**

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабоп адабиётлар  
таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Мұхаррир Н. Қосымова  
Рассом А. Баҳромов  
Техмұхаррир Н. Абдураҳмонова  
Қорректор С. Зокирова

ИБ № 5268

Теришга берилди 05.09.90. Босишга рухсат этилди 01.11.90. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қорози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т. 2,10. Ҳисоб-нашиёт т. 2,2. 3000 нусха. Буюртма 240. Баҳси 10 т.

УзССР «Фан» нашариёти: 700047. Тошкент, Гоголь күчаси, 70.  
УзССР «Фан» нашариётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький шоҳ күчаси, 79.

10 τ.